ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

**Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами**

**2019 йил 17 май**

**Бухоро – 2019**

## МУНДАРИЖА


| | |
|---|---|
| Кириш | |
| О.Х.Хамидов. Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда касбий-педагогик компетентлигини шакллантириш | |
| **1-ШЎЪБА. МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР** | |
| С.Қ.Қаххоров | Таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг инновацион ёндашуви |
| Ш.Ш.Олимов, М.А.Жумаева | Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогика фанини ўқитишни такомиллаштириш |
| M.X.Shomirzaev, O.Sh.Tursunbayeva | Mehnat ta'limi ("Texnologiya") fani o'qituvchilarining texnologik tayyorgarligini takomillashtirish |
| Г.М.Анорқулова, Д.А.Ражабова, М.Э.Магдиева | Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммолари |
| С.Х.Холияров | Инновацион технологиялар таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш омили |
| П.А.Адилов, Н.Ташимов, Ш.Х.Жумабоева | Интерактивное обучение – как средство активизации познавательной деятельности студентов *(на примерах начертательной геометрии)* |
| Б.Қ.Хўжаев | Ўқувчи-ёшларни касбга йўналтиришнинг инновацион технологиялари |
| Ж.Э.Пардабоев | Таълим жараёнида иновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш мазмуни |
| М.Х.Шомирзаев | Мактаб ўқувчиларида халқ хунармандчилиги касбларига қизикишни фанлараро шакллантириш |
| Ж.О.Балтабаев | Педагогик олий таълим муассасаларида меҳнат ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини шакллантириш йўллари |
| A.R.Jo'rayev, M.F.Saidova | Gidravlika va issiqlik texnikasi fanini o'qitishda virtual ta'limdan foydalanish metodikasi |
| Р.М.Ҳайдаров, А.П.Холиярова | Меҳнат таълими дарслари самарадорлигини ошириш йўллари |
| A.R.Jo'rayev, S.I.Baxtiyorova | "Texnalogiya va dizayn" fanining elektron metodik ta'minotini yartish va o'qitishda foydalanish metodikasi |
| Ҳ.С.Якубова | Технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда иннавацион ёндашув |
| S.Toshpo'latova, M.Turg'unov | "Chizma geometriya va muhandislik grafikasi" fanini o'qitishda mobil ta'limdan foydalanish imkoniyatlari |

| | | |
|---|---|---|
| **2-ШЎЪБА. МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ** | | |
| Б. Р. Адизов | Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда инновацион ёндашув | 51 |
| Э.М.Мухторов | Психологик компетентлик - врач касбий маҳоратининг муҳим таркибий компоненти | 57 |
| Ш.Ҳ.Қулиева | Рақобатбардош мутахассисларнинг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришда ўқув жараёнини модернизациялаш | 62 |
| М.Х.Шомирзаев, Р.М.Ҳайдаров | Меҳнат таълими дарслари самарадорлигини оширишга оид муаммолар | 65 |
| О.Х.Узоқов | Организация уроков технологии на основании технического конструирования и моделирования | 71 |
| Э.И.Рузиев | Меҳнат таълими йўналишидаги "халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш" фанидан таълим жараёнини ташкил қилиш | 74 |
| A.R. Jo'rayev | Bo'lajak kasb ta'limi va texnologiya fani o'qituvchilarining faolligini oshirishda dasturlashtirilgan ta'lim vositalardan foydalanish | 77 |
| I.A.Mannonov | Kasb ta'limi o'qituvchisining kasbiy faoliyatini shakllanish elementlari | 80 |
| Х.Х.Каримов | Создание безопасных условий труда на промышленных предприятиях | 83 |
| Г.М.Анорқулова, М.Э.Магдиева, Д.Т.Достмухамедова | Умумтаълим мактаблари учун «технология» фани ўқитувчиларини тайёрлашга компетенциавий ёндашув | 86 |
| A.T.Umirov, A.S.Tursoatova. | Xalq hunarmandchligining amaliy jihatlarini o'rgatish | 91 |
| С.Ю.Ражабова, Ҳ.С.Якубова | Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг конструкторлик-технологик компетентлигини ривожлантириш методлари | 93 |
| Q.R.Axtamova, R.A.Axtamov | Kompetensiyaviy yondashuvli darslar – davr talabi | 96 |
| Ш.Н.Муслимов | Модулли-компетентли ёндашув бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш омили сифатида | 99 |
| A.A.Turayev, S.A.Aldasheva | Kasbiy motivatsiyani shakllantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlari | 101 |

проректори С.Қ.Қаххоров ўриндошлик асосида бошқарди. Шу йиллар кафедрада иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жал қилишга эътибор кучайтирилди. Талабалик давридан, 2 курсдан бошл илмий-тадқиқот ишларига жалб қилинган талабалар кейинчалик ш йўналишда магистрлик ҳамда номзодлик диссертацияларини ёқлаш муваффақ бўлдилар (Ҳ.О.Жўраев, Ў.Ф.Тўраева). Вазирлик грифи асоси дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга эътибор кучайтирилди. Кафедра турли йиллар давомида "Физика" кафедраси профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда қуйидаги давлат грантлари бажарилган.

1. ЎзР ФАнинг ФА-125-08 рақамли "Паст ҳароратли қуё қурилмаларини такомиллаштириш ва уларни иссиқлик физикави технологик тавсифларини тадқиқ қилиш" (2008-2009 йй).

2. ЎзР ФАнинг ФА-19-10 рақамли "Қуёш мева қуритгичларин такомиллаштириш ва уларни иссиқлик-масса алмашинуви ва физикави тавсифларини тадқиқ қилиш" (2010-2011 йй).

3. ИТД-13-036 рақамли "Паст температурали қуёш қурилмаларин такомиллаштириш ва уларни тадқиқ қилиш" (2009-2011 йй.)

4. ИТД-4-01 рақамли «Қуёш энергияси ҳисобига ишловчи пас ҳароратли қурилмаларни оптимал, такомиллаштирилган вариантларин яратиш, уларнинг иссиқлик-физикавий, техник ва технологи тавсифларини тадқиқ қилиш» (2012-2014 йй.)

5. Ф2-ФА-0-83921/Ф2-ФА-Ф0383 рақамли "О научно исследовательской работе сильно-коррелированные взаимодействия сверх-проводниках и магнитных материалах и расчёт их критически параметров" (2012-2016 йй.).

Ушбу грантлар асосида бир нечта оптимал вариантдаги пас ҳароратли қуёш қурилмаларининг такомиллаштирилган янги қурилмалар яратилди. Бир қанча дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий қўлланмалар монографиялар, мақолалар чоп қилинди. Муаллифлик гувохномалар олишга эришилди.

Ҳозирги вақтда **«Меҳнат таълими»** кафедрасида 7 нафар профессор ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Шулардан, 2 нафари педагогик фанлари номзоди доцент (Ҳ.О.Жўраев, Ш.Ҳ.Қуллиева), 1 нафари техник фанлари номзоди (Ў.Ф.Тўраева), 1 нафари физика-математика фанлар бўйича фалсафа доктори (А.А.Тўраев), 1 нафар катта ўқитувч (М.Н.Каримова,), 2 нафар ўқитувчи (А.Ҳ.Содиқова, О.Мухидова), 3 нафа ўқитувчи (А.Р.Жўраев, Ю.Ю.Жамилов, А.Н.Муртазоев) таян докторантурада докторлик диссертациялари устида илмий изланишла олиб бормоқда.

Кафедра ЎзР ФА Педагогика илмий-текшириш институти, Низоми номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Қарши давла университети, Термиз давлат университетлари билан ҳамкорли шартномалари имзоланган. Кафедрага ёш мутахассисларни жалб қилишга



эътибор қаратилиб, физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори А.А.Тўраев, ўқитувчилар А.Р.Жўраев, Ю.Ю.Жамилов, А.Н.Муртазоев, А.Ҳ.Содиқовалар ишга қабул қилинди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 01.04.10-"Ярим ўтказгичлар физикаси", 13.00.02-"Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси", 13.00.05-"Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси" ихтисосликлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кейинги 5 йил давомида кафедра аъзолари томонидан Вазирлик грифи асосида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга эътибор кучайтирилди. Бунинг натижасида кафедра аъзолари 2 та дарслик, 2 та монография, 3 та ўқув қўлланма, 2 та патент, 8 та муаллифлик гувохномаси, 60 дан ортиқ илмий мақолалар халқаро ва республика миқёсидаги илмий-услубий журналларда нашр эттирилган. Кафедрада профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган "Автоматлаштирилган қуёш-мева қуритгич қурилмаси", "Мужассамлашган қуёш қурилмаси", "Қуёш энергияси ҳисобига чиқиндилардан биомасса олиш қурилмаси", "Маълумотларни масофадан туриб узатиш ва қабул қилиш қурилмаси" 2012, 2013, 2014 йилларда ўтказилган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" Республика ярмаркаларида намойиш этилди.

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Ш.Ш.Олимов**
*БухДУ профессори, п.ф.д.,*
**М.А.Жумаева**
*БухДУ таянч докторанти*

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисидаги" Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармонида кўрсатиб ўтилганидек, ўқув-тарбия мазмуни ва сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, юксак касбий, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Бу масалани тўлақонли ҳал этиб, юксак маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган инсонларни вояга етказиш, улар илмий дунёқарашини замон талаблари асосида шакллантириш, таълим-тарбиянинг ишидир. Шарқона таълим-тарбия инсонларни маънавий юксакликка кўтарди, халқни иқтисодий, сиёсий, маданий инқироздан асраб қолди. Шу боис ўзбек тарбияшунослигининг асосчиларидан бири Абдулла Авлоний "Тарбия биз

учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир",
деб таълим-тарбияга бундай юксак баҳо бермаган.

Таълим - тарбия педагогиканинг муҳим тушунчаларидир. Таълим ва тарбия бир-бирини тўлдириб, қўллаб-қувватлаб, ривожланиб, ёшларни камолот сари даъват этувчи куч ҳисобланади. Зеро, педагогика ёш авлодни тарбиялаш, уларни ўқитиш ва маълумотли қилишнинг қонуниятлари, қоидалари, шакллари, методлари, усуллари ва воситаларини ўрганувчи фандир.

Тарбия ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. У мамлакатни демократик асосда қуриш, жамият ишлаб чиқариш кучларини, меҳнат (ақлий ва жисмоний) жараёнларини такомиллаштириш, инсоннинг ўзини, унинг жисмоний ва маънавий қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Мазкур тушунчаларнинг мазмуни, моҳияти, функциялари ҳақида маълумот берувчи "Педагогика" фани бўлажак ўқитувчиларни педагогик касбига илмий-назарий ва методик тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Педагогика – таълим-тарбия ҳақидаги фан. Педагогиканинг асосий тушунчалари – тарбия, ўқитиш, ривожлантириш, маълумот ва уларнинг ўзаро алоқаси. Педагогиканинг анъанавий тушунчаси – ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва ўқитиш.

Педагогика фанининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унга қуйидаги таърифни бериш мумкин: Педагогика таълим – тарбияга оид билимларни муштарак ҳолда жамлаб, уларни саралаб синовдан ўтказувчи ва бир тартибга келтирувчи, уларни бошқаларга ўргатувчи фандир.

Педагогика фанининг асосий вазифаси бутун дунёдаги маърифат соҳасига тегишли билимларни тўплаб, уларни дидактика кўригидан ўтказишдир. Дидактика кўригидан ўтказиш деганда, педагогикага тегишли мақола, рисола ва йирик асарлар мазмуни ва моҳиятини дидактика тамойилидаги талабларга солиштириб кўриш тушунилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чоп этилаётган педагогикага оид асарларнинг 7-10 фоизи дидактиканинг тамойилларига тўғри келар экан. Шунинг учун педагогика фанининг биринчи вазифаси нашрдан чиққан педагогикага оид асарларни дидактика тамойиллари билан таққослаб, таҳлил қилишдир. Амалиётчи – ўқитувчи ва педагогларнинг вазифаси педагогик адабиётларни ўз фаолиятида кўр–кўрона қўллайвермасдан, уларга танқидий ёндашиб, дидактика таҳлилидан ўтказиб қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Педагогика фанининг иккинчи вазифаси, муайян асар дидактиканинг барча тамойилларига мос келиши маълум бўлгандан кейин, унинг маҳаллий шароитга тўғри келиш - келмаслигини аниқлашдир. Чунки, ҳар қандай ижтимоий воқеликда, шу жумладан таълим–тарбия жараёнида ҳам ҳукм сурувчи қонуниятлар маълум бир ижтимоий шароитнинг объектив борлиғини қанчалик тўла ифода этган бўлишига қарамай, бошқа ижтимоий



...ига тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам маорифчи олимлар, ...ҳудудлари ташқарида педагогиканинг ҳамма қонуниятларига асосланиб ...таълим – тарбия усул ва услубларини ўз ҳудудида қайтадан ...кўришлари лозим бўлади.

Педагогика фанининг учинчи ва асосий вазифаси педагогик соҳада ...давомида тўпланган билимларни, дарс беришнинг маълум усули ва ...лари ёрдамида, тасдиқланган режа ва дастурлар асосида ...ларга бериш ва бу билимларни амалиётда қўллашни ўргатишдир.

XIX асргача педагогика тўғрисида шундай тушунча мавжуд эди. ...қт ўтиши билан педагогика предмети кенгайди, чунки янги йўналишлар пайдо бўлди. Жумладан, касбий таълим педагогикаси, ўрта махсус, касб-...лар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси.

Педагогика фанининг предмети - ўқитишнинг, таълим – тарбиянинг ...ий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан ...ларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан.

Педагогика фанида тарбия асосий категория ҳисобланиб, у жамият ва ...ҳар томонлама ривожланган инсонни шакллантиришдаги муайян ...ни ифодалайди. Тарбиянинг илк шакллари ибтидоий жамият ...даёқ пайдо бўлган. Кекса авлод меҳнат жараёнида орттирган тажрибаларни ёш авлодга ўргатган.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши ёш авлодни ҳаётга ...раш, улар тарбиясини самарали амалга ошириш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу эҳтиёж тарбия борасида орттирилган тажрибалар тўплангандан кейин ўша тажрибаларни умумлаштириш, ёшлар тарбияси ҳақида қонун – қоидаларни ишлаб чиқариш заруратини тақозо этади.

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси олий ўқув юртларининг бутун ўқув-тарбия тизими ёрдамида шакллантирилади. Бу жараёнда педагогика фанининг ўқитилиши бўлажак касб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун ҳам катта имкониятларни яратади. Мазкур фан бўйича бериладиган билимлар асосида ҳар томонлама ривожланиб, камол топган, фаол ҳаётий мавқеини ...лаган, оммавий-сиёсий ишларни ташкил қила оладиган, ахлоқан пок, жисмонан баркамол, ақлан теран, ўз ихтисослиги бўйича чуқур назарий-...малий билимга ва маънавий-ахлоқий баркамолликка эга бўлган мутахассисни тарбиялаш учун имкониятлар мавжуд.

«Педагогика» фани бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёргарлиги тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги даврда педагогика фанини ўқитиш бўлғуси касб таълими ўқитувчиларида педагогик маданиятни ривожлантириш, уларда янгича тафаккурни таркиб топтириш, ўқитувчи-тарбиячи, ёшлар мураббийси вазифаларини ижодий ...жариш, умумий тайёргарликни таъминлашга йўналтирилган.

Педагогика фанидан ҳар бир бўлғуси ўқитувчилар, қайси фан мутахассиси бўлиб етишишидан қатъий назар ўқув-тарбиявий фаолиятни

муваффақиятли олиб бориш учун зарур бўлган педагогик билимлар, кўникмаларнинг умумий ҳажмини, ўқитувчи-мураббийларга хос умуми касбий ва шахсий фазилатларни эгаллашлари лозим. Айни пайтда ўр махсус, касб-ҳунар таълими тизимида тайёрланаётган ўқитувчиларни ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Шунга кўра ҳар бир мутахасси ўқитувчи шахси ўзига хос бетакрордир ва бу ҳолат ўз навбатида бўлаж ўқитувчиларни педагогикадан тайёрлаш мазмуни, умумий ва ўзига х жиҳатлари ва алоқадорлиги ўзаро уйғунликда намоён бўлади.

Педагогика фани бўлажак ўқитувчиларнинг умумпедагогик били даражасини кенгайтиради, педагогик меросимизга ҳурмат била муносабатда бўлишга ўргатади. Таълим-тарбия назарияси ва амалиёт тарбия ва таълим, унинг ривожланиш жараёни жамиятнинг ижтимои иқтисодий ривожланиши ва ҳар бир тарихий босқичда илмий билимла даражаси билан боғлиқлиги тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилади Бўлажак ўқитувчи педагогика курсини ўрганиш давомида бошқа педагоги туркум фанлари, педагогик тушунчалар юзасидан фикр юритади ҳамд уларнинг моҳиятини тушуна боради.

Педагогика курсининг дастлабки машғулотларида асосий педагоги тушунчалар: тарбия, таълим, ўз-ўзини тарбиялаш ҳақида маълумо берилади. Биз ушбу тушунчаларнинг моҳият-мазмуни билан талабаларн таништирар эканмиз, миллий қадриятларимиз асосини ташкил этга диёнат, адолат, инсонийлик, меҳр-мурувват таълим–тарбия маҳсул эканлиги ва тарбия ёрдамида ҳаётдаги, меҳнатдаги, санъатдаги турмушдаги гўзалликни англаш кераклигини талабалар диққатига, ҳавол киламиз. «Баркамол инсон тарбиясининг мақсад ва вазифалари» мавзусин ўрганиш жараёнида, дастлаб, тарбиянинг ижтимоий ҳодиса эканлиги унинг тарихий–иқтисодий тараққиёт учун аҳамияти беқиёс эканлиги мустақил фикрловчи, ўз-ўзини, ўзлигини, тилини маданиятини, она юр тарихини чуқур англаган юксак маданиятли шахс-комил инсон маънавий ахлоқий фазилатнинг бош мезони эканлиги, уни тарбиялаш мустақи Ўзбекистон тарбия тизимининг асосий мақсади эканлиги талабалар онгиг етказилади. Сўнгра баркамол инсон тарбиясининг таркибий қисмлари ақлий тарбия, маънавий-ахлоқий тарбия, нафосат, жисмоний, касб-кор в меҳнат, иқтисодий, ҳуқуқий, экалогик тарбия тўғрисида маълумо берилиб, уларнинг узлуксиз таълим тизимидаги етакчи роли кўрсатилади ва шу асосида маънавий-ахлоқий тарбиянинг муҳим омиллари одамийлик меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик каб тушунчаларнинг моҳият мазмуни очиб берилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида турган жамиятими ҳозирги кунда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизим учун малакали кадрларни тайёрлашни янада яхшилаш муаммосин қўймоқда. Бу эса ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида давр талабига жавоб берадиган ёш мутахассисларни фақат назарий билимларни чуқур ўрганга ҳолда эмас балки айни вақтда буюк инсоний фазилатларга эга бўлган муомалага кириша оладиган, ўз ишини пухта эгаллаган моҳи



мутахассислар этиб тайёрлашга катта эътибор қаратишни талаб этади. Айниқса, ҳозирги даврнинг бу талаби бўлажак ўқитувчиларни юксак педагогик маҳорат ва техника кўникмалари билан куролланган, маданиятли шахс сифатида тайёрлаш кераклигини яна бир бор таъкидлаб бермоқда.

Педагогика фани бўлажак ўқитувчиларни педагогик техника ва маданияти назарияси ҳамда амалиёти бўйича билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Чунки, ҳозирги замон ўқитувчиси ҳаётимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб, у ҳар томонлама етук, чуқур билимга эга бўлган мутахассис, Ватани ва халқига содиқ, педагогик маҳорат ва лаёқатга эга бўлган, касбий маҳорат эгаси бўлиши зарур.

Педагогика таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари, йўлларини ёритади, тарбиявий ишларнинг шаклларини кўрсатиб беради.

Тажрибалар шуни кўрсатмокдаки, анъанавий педагогик фаолият билимлар миқдори ва сифатини орттиришга йўналтирилган. Бошқача қилиб айтганда, яхши ўқув-моддий базага эга бўлиш режа ва дастурларни бажариш мумкин, бироқ таълимнинг самараси паст бўлади. Демак, ўқитувчининг асосий вазифаси тайёр билимларни беришга, талабаларнинг асосий вазифаси эса бу билимларни эслаб қолишга асосланган, яъни ўқув жараёни талабаларнинг фикрлаш фаолиятини, ижодий тафаккурини ривожлантиришни таъминламайди.

Шу сабабли таълим тизимида ишлаётган ҳар бир ўқитувчи талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилиши, уларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш учун технологик ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши педагогика фанини ўқитишга алоҳида ёндашишни, айниқса, бўлажак ўқитувчига педагогик технологияларнинг янги имкониятларини топиш ва амалда қўллаш учун катта эркинлик ва мустақиллик яратиб берди. Бу эса бўлажак касб таълими ўқитувчиларини сифатли тайёрлаш ва уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш учун катта масъулият ҳам юклайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. (1-жилд). – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
2. Баркамол авлод орзуси. Тўплам. Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ. Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Тошкент, 1999 йил.
3. Педагогика. А.Қ.Мунавваров таҳрири остида.-Тошкент.: Ўқитувчи, 1996.